2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 219 (1280), 2024 йил 29 октябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловларнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низомхўжаев 27 октябрь куни бўлиб ўтган сайловларга тайёргарлик жараёни ва уни ўтказишда халқимиз аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва фаоллик кўрсатганини таъкидлади.

Сайловларда жами 15 миллион 27 минг 529 киши овоз берди. Бу сайловчилар умумий сонининг 74,72 фоизини ташкил этади. Ушбу рақамлар сайловчиларнинг фуқаролик масъулияти, мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси янада ошганини яққол намоён қилади. Шунингдек, 16-23 октябрь кунлари бўлиб ўтган муддатидан олдин овоз бериш жараёнида мамлакатимизда 1 миллион 15 минг 948 нафар, хорижда эса 132 минг 667 сайловчи овоз берди. Сайловларда хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошимиз учун овоз бериш имконияти яратилди. 40 та мамлакатда ташкил этилган 57 та сайлов участкасида жами 140 минг 388 сайловчи қатнашди.

Бу галги сайловларда мамлакатимиз тарихида биринчи марта аралаш сайлов тизими синовдан муваффақиятли ўтди. Ушбу сиёсий жараёнлар партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги демократик муҳитга янги қувват бағишлади. Сайловни 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчи ҳамда сиёсий партиялардан 55 минг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 10 мингдан зиёд вакил кузатиб боргани сиёсий жараёнларнинг очиқ ва адолатли ўтишини таъминлади.

Тайёргарлик асносида ишга туширилган “E-saylov” ахборот тизими ёрдамида сайлов жараёнининг кўплаб тартиб-таомили рақамлаштирилиб, бюрократик тўсиқлар кескин камайтирилди ва шаффофлиги оширилди. Мамлакатимиз тарихида илк маротаба Тошкент шаҳридаги айрим сайлов участкаларида сайлов куни электрон овоз бериш тажриба-синов тариқасида ўтказилди. Бу эса овоз бериш ва сайлов натижаларини тезкор аниқлаш, овоз бериш жараёни қонунийлигини таъминлаш, сайлов комиссиялари иш ҳажмини мақбуллаштиришга хизмат қилди.

Сайлов куни жараённи реал вақт режимида (онлайн) видеотрансляция қилиш мақсадида туман ва шаҳарлар ҳудудидаги тегишли техник талабларга мувофиқ бўлган сайлов участкаларида видеокамера ўрнатилди. Бу Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказидаги экранларда, saylov.uz расмий веб-сайтида ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ва бошқа телеканалларида овоз бериш жараёнини онлайн кузатиш имконини берди. Буларнинг барчаси сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни юксак демократик тамойиллар даражасида ташкил этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун кенг шароит яратди.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ САЙЛОВ ТИЗИМИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТДАГИ ШАФФОФЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ САЙЛОВЛАРДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлари сайлови бўлиб ўтди.

Сайлов жараёнини 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар кузатиб борди.

Уларнинг таъкидлашича, сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилган, сиёсий тадбир очиқлик ва демократия принциплари асосида ўтди.

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон ва дунё

ХИТОЙ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ:

СТРАТЕГИК МУНОСАБАТЛАРНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА



Жорий йил 25-26 октябрь кунлари Хитойнинг Иньчуан шаҳрида Хитой — Марказий Осиё XI ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Минтақавий анжуманда иштирок этган мамлакатимиз делегацияси раҳбари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал САИДОВ билан форум тафсилотлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Президентимиз таъбири билан айтганда, **бугунги кунда дунё нафақат турли таҳдид ва хатарлар, балки улкан имкониятларни ҳам ўзида мужассам этган глобал ўзгаришлар даврига қадам қўйди,** — дейди **А.Саидов. —** Шу маънода, даставвал Хитой — Марказий Осиё XI ҳамкорлик форумининг учта муҳим хусусиятига эътибор қаратиш лозим.

Биринчиси, бу галги ҳамкорлик форуми Ўзбекистон — Хитой муносабатларида янги давр бошланган тарихий бир шароитда бўлиб ўтди. Гап шундаки, Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи якунлари бўйича ҳар икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари “янги даврда барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик”га кўтарилиши учун улкан шижоат бахш этилди.

Шунингдек, 2024 йил июль ойида Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари қўшни Қозоғистоннинг Остона шаҳрида учрашиб, ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Икки давлат етакчилари ўртасидаги учрашувларнинг мунтазам ташкил этилаётгани халқларимиз манфаати учун ҳамкорликни ривожлантириш ва бу борада янги йўналишларни кўрсатиб беришга хизмат қилмоқда.

Иккинчиси, ушбу форум жорий йилда ўн биринчи марта ўтказилди. Бу, бир томондан, форумнинг аллақачон анъанавий аҳамият касб этганини кўрсатса, иккинчи томондан, Хитой ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари учун бундай ҳамкорлик формати зарурлигини амалда тасдиқлайди.

Учинчиси, мазкур минтақавий ҳамкорлик анжумани айнан Иньчуан шаҳрида ташкил этилди. Иньчуан Хитойнинг қадимий ва машҳур шаҳарларидан бири бўлиб, ғаройиб тарихи ҳамда гўзал табиат манзаралари билан ажралиб туради.

Айни чоғда бу ўта замонавий “ақлли шаҳар”да ранг-баранг маданиятлар ўз мужассамини топган. Шу боис, ҳақли равишда Иньчуан Буюк ипак йўлининг дурдоналаридан бири сифатида улуғланади.

Давоми 3-бетда

“ИСЛОМ — ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ДИНИ” МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХИВА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Дунёнинг турли минтақаларида қонли тўқнашувлар, мафкуравий курашлар, ғоявий қарама-қаршиликлар, турли йўналиш ва оқимлар ўртасида ўзаро низо ва зиддиятлар тобора авж олиб бораётган бугунги мураккаб замонда муқаддас ислом динининг тинчликпарварлик ва инсонийлик моҳиятини кенг тарғиб этиш жаҳонда тинчлик ва осойишталик, ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, жамиятда турли бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

Ислом таълимоти вужудга келган илк даврдан бугунги кунга қадар инсониятнинг маданий ва маънавий камолотида беқиёс ўринга эга бўлиб келмоқда. Ислом динининг маърифий роли келгусида ҳам умумбашарий тараққиёт ва фаровонлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 2-бетда

Юксалиш палласи

УЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОР

МАКТАБЛАРДА ЭРКАК ЎҚИТУВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Эркак ўқитувчилар мактабга қайтаётгани ҳақида мақола ёза бошлаганимда хаёлим олис ўқувчилик йилларига кетди. Сув қуйгандек жим-жит мактаб дарсхонасини адабиёт муаллимининг вазмин ва салобатли овози бузади. Устоз берилиб шеър ўқийди:

“Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...”.

Унинг жиддий қиёфаси қаршисида ҳайратдан қотиб ўтирардик. Кўз олдимизда ватан кенгликлари жонланар, табиатга шайдолик, ҳаётга муҳаббат туйғуси ақлимизу руҳимизга кўчарди. Дарслар жуда қизиқарли ва сокин ўтар, ҳаётдан сабоқ бериларди гўё.

Давоми 5-бетда

Ҳар бир оила — тадбиркор

БАЛИҚ ТУТИШ УЧУН ҚАРМОҚ БЕРИЛГАНДА...

Фарғона вилоятида балиқчилик ривожига эътибор кучайиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди, сифати яхшиланди. Бу йил вилоят балиқчилик ҳавзаларида 110 минг тонна парҳезбоп маҳсулот етиштириш кўзда тутилган. Бу аввалги йиллардагидан бир неча карра кўп.

Жорий йилнинг ўзида балиқчилик йўналишида умумий қиймати 28 миллиард 528 миллион сўмлик 25 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг ҳисобига қўшимча 252 тонна балиқ етиштириш имконияти яратилди.

Балиқ чавоқларини етиштириб берувчи хўжалик ва корхоналар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Айни кунларда Қувасой шаҳридаги “Омад”, Бағдод туманидаги “Шўртепа Ойдин кўли”, Бувайда туманидаги “Ёқуб Али” фермер хўжаликлари, Фарғона шаҳридаги “Булоқ” ва Бешариқ туманидаги “Саховатли уммон неъмати”, “Балиқ” МЧЖларда 10 миллион донадан ортиқ балиқ чавоғи етиштирадиган янги цехлар ишлаб турибди.

Давоми 4-бетда



Ўзбекистондаги сайлов жараёнлари жаҳон стандартига тўла мосдир. Шу нуқтаи назардан, менимча, Ўзбекистон Европа ёки Ғарб давлатлари учун ҳам намуна бўла оладиган давлатга айланиш йўлида жуда яхши қадам ташламоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 29 октябрь, 219-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Матбуот анжуманида сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди. Унга кўра, иккита сайлов тизими, яъни депутатликка номзодлар ва партияларга берилган овозлар бўйича Қонунчилик палатасига сайланган жами 150 депутат таркибининг партиявий мансублиги қуйидагича:



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 64 та ўрин ёки 42,7 фоиз;

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан — 29 та ўрин ёки 19,3 фоиз;

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан — 21 та ўрин ёки 14 фоиз;

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 20 та ўрин ёки 13,3 фоиз;

Ўзбекистон Экологик партиясидан — 16 та ўрин ёки 10,7 фоиз.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган сайловлар бўйича сайловга доир қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилгани ҳақида хабар ва маълумотлар келиб тушмади.

28 октябрь куни, шунингдек, МСК матбуот марказида Олий суд ва прокуратура органлари, ННТлар, хорижий ва халқаро кузатувчилар миссиялари вакиллари иштирокида брифинглар ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда сайлов жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритилди.

Жумладан, МДҲ Бош котиби Сергей Лебедов мамлакатимизда сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда миссия хулосаларини баён қилди. Қайд этилганидек, миссия вакиллари барча ҳудудда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнини кузатиб борди. Сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилган, сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан кенг кўламда ташвиқот материаллари тайёрланган. Сайлов куни сайловчилар кўтаринки, байрамона кайфиятда экани, овоз бериш жараёнлари қонунчиликка мос тарзда ташкил этилгани эътироф этилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги сайлов демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкоралик руҳида ўтгани таъкидланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти миссияси вакиллари ҳам мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар очиқлик ва демократия тамойилларига мос ўтгани, сайлов жараёнларида, овоз беришни ташкил этишда қонун бузилиши ҳолатлари кузатилмаганини қайд этилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ САЙЛОВ ТИЗИМИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТДАГИ ШАФФОФЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ САЙЛОВЛАРДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

Бошланиши 1-бетда

Моҳд Фаиз АБДУЛЛА,
Малайзия Стратегик ва халқаро тадқиқотлар институти раиси:



— 27 октябрь куннинг биринчи қисмида тўртта сайлов участкасига бордим. Алоҳида таъкидлайман, мен бу ерда демократиянинг жуда соғлом ўсишини кузатдим. Сайлов комиссияси масъуллари ўз фаолиятида шаффофликни таъминлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширди.

Жараёнларга умумий баҳо эса янги демократия ва унга босқичма-босқич борилаётганидир. Ўзбекистон жуда яхши суръатда бу йўлдан одимламоқда. Мана шундай олдинга силжиш ҳам унинг мустаҳкам пойдеворга эга бўлиб бориши белгисидир.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Фуқароларнинг жараёнлардаги фаоллиги юқори даражада бўлди. Нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари ҳам уюшқоқлик билан қатнашди.

Айрим нуфузли сайтларни кузатганимда, Ўзбекистоннинг биргина Москвадаги элчихонасида одамлар овоз бериш учун узун навбатларда турганини кўрдим. Бу уларнинг мамлакатда кечаётган сиёсий воқеаларга бефарқ эмаслигини тасдиқлайди.

Интесар АБДУЛЛА,
Саудия Арабистонининг “Neprass” янгиликлар электрон нашри бош директори:



— Ўзбекистондаги қатор конференцияларда иштирок этганман, аммо сайлов жараёнларини кузатишда илк бор қатнашдим. Мазкур жараёнларда мени ҳайратга солган жиҳати бу — Ўзбекистонда электрон сайлов тизимининг йўлга қўйилгани бўлди.

Ушбу янги тизимни фуқаролар учун қулай имконият ҳамда демократик давлатдаги шаффофликнинг ёрқин намунаси, деб биламан. Ўзим борган сайлов участкаларида яратилган шароит ҳам жуда яхши эди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, сайлов участкалари бир нечта умумтаълим мактабларида ташкил этилган. Ушбу мактаблар янгича ва замонавий қиёфада экани ҳам эътиборли.

Шунингдек, сайловгача бўлган дебатларда қатнашиб, жонли мулоқот ва муҳокамаларни кузатиш имкониятига эга бўлдим.



Сармад АЛИ,
Покистон Сенати аъзоси:

— Ўзбекистондаги парламент сайлови жараёнлари дунёнинг турли бурчагидан келган 800 дан ортиқ халқаро кузатувчилар иштирокида ўтгани қувонарлидир. Бу ўз-ўзидан ҳукуматнинг очиқлигига ишора қилмоқда. Бошқа халқаро кузатувчилар билан гаплашганимда улар ҳам худди шу фикрларни таъкидлади.

Сайловда иштирок этувчилар ва кузатувчилар учун барча қулайлик ва шароитлар яратилган.

Далиа ОЛТУНТЕПЕ,
“Нидерландия — Ўзбекистон” дўстлик жамғармаси раиси:



— Бу менинг Ўзбекистондаги сайловларда кузатувчи сифатида тўртинчи маротаба қатнашишим. Мамлакатда ҳам, сайлов жараёнларида ҳам ҳар сафар ижобий ўзгаришлар гувоҳига айланяпман. Биргина мисол, тарғибот кампанияларининг кўчалардаги баннерлардан бошлангани таҳсинга лойиқ. Бу овоз бериш жараёнини янада жонли қилади, чунки ҳар куни одамлар баннерларни кўриб, номзодлар билан танишиш имконига эга бўлади.

Яна бир муҳим масала, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти кучайиб бораётганига гувоҳ бўлдим. Телевидениеда номзодлар ўртасидаги баҳсларда мавзулар жуда жонли ва жиддий муҳокама қилингани Ўзбекистонда сайлов жараёни фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

> **Бир нечта сайлов участкаларига ташрифим чоғида рақамли овоз бериш тизими мавжудлигини кўрдим. Бу нафақат овоз бериш жараёнларида енгиллик яратади, балки унинг шаффоф ўтишига хизмат қилади.**

Жараёнларга ёш авлод қизиқишининг юқорилиги эътирофга лойиқ. Мен яна бир жуда қадрлайдиган жиҳат — аёллар квотасининг 40 фоиздан кам бўлмаслигидир.

> **ЖАРАЁНЛАРГА ЁШ АВЛОД ҚИЗИҚИШИНИНГ ЮҚОРИЛИГИ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ. МЕН ЯНА БИР ЖУДА ҚАДРЛАЙДИГАН ЖИҲАТ — АЁЛЛАР КВОТАСИНИНГ 40 ФОИЗДАН КАМ БЎЛМАСЛИГИДИР.**

Умумий ҳолат ва жараёнлардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, Ўзбекистондаги сайлов жараёнлари жаҳон стандартига тўла мосдир. Шу нуқтаи назардан, менимча, Ўзбекистон Европа ёки Ғарб давлатлари учун ҳам намуна бўла оладиган давлатга айланиш йўлида жуда яхши қадам ташламоқда.

“Дунё” АА

“ШУНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛГАНДА МЕН ҲАМ ДЕПУТАТ БЎЛАРДИМ”

Ёшим 86 да. Тўққиз фарзанд, қирққа яқин набирам бор. Невара-чевараларнинг ҳисобидан аллақачон адашиб кетганман. Эсимни таниганимдан колхозда меҳнат қилганман. Ўша даврлар шундай эди-да. Фарзандли бўлганимизда ҳам белимизни тутмасимиздан колхозга чиқишимизни айтишарди. У пайтлар ё биз ҳуқуқларимизни билмаганмиз, ё бизни ҳимоя қиладиган одам бўлмаган.



“Депутатлар халқни ҳимоя қилади, халқ номидан гапиради”, деган гаплар аввал йўқ эди. Сайлов бўлса, бориб овоз бериб келаверганмиз, кимга овоз бераётганимизни ҳам билмаганмиз. Сайловга борган одамларга қанд-қурс, ширинликлар бериларди. Шу ширинликларга қизиқиб, болаларимизни етаклаб бораверган бўлсак керак-да.

Катта фарзандим ҳали гўдак эди. Сайловга кўтариб олиб борганман. Овоз бераётган қоғозни белгилагунимча қаерга қўйиб туришни билмай қийналганман. Ҳозиргидек шароитлар йўқ эди у вақтлар. Энди биляпмиз: сайлов участкаларида она-бола хонаси, саломатлик хонаси деган хоналар ҳам бўлар экан. Уйда қолдиришга шароити йўқ оналар ўзи билан боласини олиб бориб, бемалол овоз берса бўларкан. То овоз бериб чиққунича фарзанди ўйнаб тураркан ўша хонада. Тоби қочса, тез тиббий ёрдам кўрсатишга ҳамширалар ҳам тайёр тураркан. Бир шароит бўлса, шунча бўлар-да.

Ҳар қадамда номзодларнинг расмини кўрасиз. Исми нимаю, қандай иш қилмоқчи эканигача ёзиб қўйилган. Улар орасида аёллар ҳам анча-мунча эканини кўриб хурсанд бўлдим. Кийимлари ярашганини айтмайсизми? Бизнинг пайтларда ҳам аёлларга шундай имкониятлар, шароитлар қилиб берилганда мен ҳам депутат бўлиб кетармидим, дейман набираларимга.

Қаричилик-да, оёғим оғрийди. Кўп юролмайман, оғриқ тутиб қолади. Бўлмаса, бориб ўз кўзим билан сайлов участкасидаги шу хоналарни кўриб келардим. Сайловга ҳам боролмасам керак, деб ўтиргандим. Барака топкур сайлов участкаси аъзоларидан икки киши келиб, овозимни олиб кетди. Бир қари кампир учун овора бўлдингларми, десам, сизни овозингиз ҳам муҳим, онажон, дейишди. Овозим ҳал қилувчи кучга эгалигидан қувондим, руҳимда енгиллик сездим. Яхши гап яхши-да. Демак, ҳали ҳам юртимга фойдам тегади. Менинг овозим ҳам ҳал қилувчи кучга эга!

> **Қаричилик-да, оёғим оғрийди. Кўп юролмайман, оғриқ тутиб қолади. Бўлмаса, бориб ўз кўзим билан сайлов участкасидаги шу хоналарни кўриб келардим. Сайловга ҳам боролмасам керак, деб ўтиргандим. Барака топкур сайлов участкаси аъзоларидан икки киши келиб, овозимни олиб кетди. Бир қари кампир учун овора бўлдингларми, десам, сизни овозингиз ҳам муҳим, онажон, дейишди.**

Мастон ТОШМАТОВА
Жиззах шаҳри

“ИСЛОМ — ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ДИНИ” МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХИВА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Бошланиши 1-бетда

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари**нинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг **2023** йил **19 сентябр**даги **78-сессия**сида илгари сурган **“Ислом — тинчлик ва эзгулик дини”** мавзусида халқаро конференция ўтказишга оид ташаббуси ҳамда ислом динининг асл моҳияти борасида билдирган фикрлари бу борада муҳим ва долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу нуқтаи назардан, биз, “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” халқаро конференцияси иштирокчилари бу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим эканини таъкидлаймиз:

1. Ислом динининг тинчликпарварлик ва инсонийлик моҳиятини очиб беришга қаратилган **илмий ва оммабоп адабиётларни нашр этиш**, уларнинг турли тиллардаги **таржимасини амалга ошириш** ҳамда **тақдимотларини ўтказиш**;

2. Мусулмон мамлакатларининг олим ва мутахассислари иштирокида **экстремизм, радикализм** ва **терроризм**га **қарши кураш** самарадорлигини янада ошириш, **илмий раддиялар бериш методологиясини такомиллаштириш** бўйича мунтазам равишда **илмий семинар** ва **давра суҳбатлари**ни ташкил этиш;

3. Ислом динининг **ижтимоий барқарорлик**, ёшлар таълим-тарбияси, маърифат ва маданият, илм-фан ривожидаги ижобий ролини кўрсатиб беришга бағишланган китоб ва рисолалар, **илмий мақолалар, халқчил нашрлар**, **фильм** ва **ролик**лар тайёрлаш;



> **Ислом таълимоти вужудга келган илк даврдан бугунги кунга қадар инсониятнинг маданий ва маънавий камолотида беқиёс ўринга эга бўлиб келмоқда. Ислом динининг маърифий роли келгусида ҳам умумбашарий тараққиёт ва фаровонлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.**

4. **Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан алломалар**нинг ислом оламида тутган юксак мавқеи ҳамда улар яратган асарларда ислом динининг эзгу ғоялари моҳияти тўлақонли очиб берилганини ҳисобга олиб, уларнинг **илмий меросини ўрганишни тизимли йўлга қўйиш**, жумладан, ҳали **илмий муомалага киритилмаган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини жамлаш**, танқидий матнларини нашрга тайёрлаш;

5. Ислом динининг тинчликпарварлик моҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш мақсадида мусулмон мамлакатлари ҳамда хорижлик олимлар иштирокида **анъанавий** тарзда **“Ислом — тинчлик ва эзгулик дини”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш ҳамда конференция материаллари тўпламини тайёрлаш ва нашр этиш;

6. Мусулмон мамлакатларининг олим ва мутахассислари иштирокида исломнинг тинчлик ва эзгулик дини эканини очиб бериш ҳамда бузғунчи оқимларга қарши раддия беришга бағишланган **маҳорат дарслари, онлайн мулоқотлар** ташкил этиш;

7. Жаҳоннинг етакчи университетлари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари томонидан экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши кураш доирасида амалга оширилган ишлар ва тадқиқотларни умумлаштирувчи ягона **платформа — онлайн электрон портал** яратиш;

8. Мусулмон мамлакатлари **фатво марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш** ҳамда бугунги кун учун долзарб саналган мавзулар юзасидан қўшма фатволар тайёрлашни йўлга қўйиш.

Фурсатдан фойдаланиб, ислом дини **тинчлик, эзгулик ва маърифат дини** эканини, унда **бузғунчилик**нинг ҳар қандай шакли **қатъий қораланиши**ни яна бир бор тасдиқлаймиз.

“Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари
Хива шаҳри,
2024 йил 16 октябрь

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



Ўзбекистон ва дунё

Мамлакатларимизнинг обод ва халқларимизнинг бахтли ҳамда фаровон бўлишини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда ўзаро бирдам ва ҳамжиҳатликда иш тутсак, шундагина фаолиятимиз янада натижадор бўлади.

ДАВР НАФАСИ

3

2024 йил 29 октябрь, 219-сон



ХИТОЙ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ: СТРАТЕГИК МУНОСАБАТЛАРНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА



Бошланиши 1-бетда

— Хитой билан ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?

— Шу йил октябрь ойи бошида жаҳон ҳамжамияти хитой халқи билан ҳамжиҳатликда ХХР ташкил топганининг 75 йиллигини нишонлади. Ана шу тарихан қисқа даврда бу мамлакат тараққиётида мисли кўрилмаган даражада улкан ютуқларга эришди.

Бунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида қўлга киритган оламшумул натижалари катта аҳамият касб этди ва бугунги кунда айни самарадор омиллар бутун жаҳоннинг диққат-эътиборини жалб этмоқда.

Хитой дунёдаги беқарорликларнинг олдини олишга қаратилган кўплаб глобал ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Барқарорликка оид бу ғоялар мамлакатда асрий ислоҳотлар синовидан муваффақиятли ўтгани билан аҳамиятлидир.

Хитой ҳукумати миллий модернизацияни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида асосий эътиборни халқ фаровонлигини таъминлашга қаратмоқда. Яъни ислоҳот ва тараққиёт, аввало, ҳар бир хитойликнинг муносиб яшашига хизмат қилсин, деган ёндашувга таянилмоқда.

Натижада Хитой халқи 40 йил ичида қашшоқлик ва йўқчилик домидан қутулиб, энди муносиб ва барқарор турмуш шароитларида ҳаёт кечирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ўтган даврда 700 миллиондан ортиқ хитойлик камбағаллик ҳолатидан чиқишга муваффақ бўлган.

Инновацияларга таянадиган давлат сифатида Хитой иқтисодий тараққиёт суръатларини мунтазам ошириб бормоқда. Мамлакат ҳатто “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида ҳам муайян натижаларга эришгани туфайли аллақачон экологик тоза маҳсулотларнинг жаҳондаги йирик бозорига айланиб улгурди.

Бошқача айтганда, янги Хитойнинг 75 йиллик ривожланиш йўли барқарорлик, тараққиёт, юксалиш ва ёруғ келажакка қатъий ишончнинг ёрқин намунасидир. Тараққиётнинг хитойча модели социализм ва бозор иқтисодиёти қонуниятларини омихталаштирган бўлиб, ўз навбатида, бундай ноёб усул Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлатлардан бири мақомини эгаллашини таъминламоқда.

Хитой эришган улуғвор ютуқлар ҳақида сўз борганда фақат иқтисодий самаралар тафсилотлари билангина чекланмай, ижтимоий сиёсат, инфратузилма ва технологиялар соҳаларида қўлга киритилган янгидан янги марралар хусусида ҳам фикр юритиш лозим деб ўйлайман.

Шу ўринда, айниқса, Хитой аҳолисининг ниҳоятда кўплиги ва глобал муаммоларнинг ҳалокатли таъсирларига қарамай, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва барқарорликни сақлаб туришдек иккита ноёб мўъжизага эришилгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда Хитой жаҳон иқтисодиётининг юрагидир. Сайёрамиз ҳаётининг пандемиядан кейинги оғир ва мураккаб шароитларида ҳам мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани буни амалда тасдиқлаб берди.

Хитой, бир томондан, жаҳон бозорига тобора кўплаб товарлар етказиб бераётган бўлса, иккинчи томондан, ташқи бозорлардан ҳам кўпдан кўп маҳсулотларни мунтазам харид қилмоқда.

Шу омилларнинг ўзи ҳам янги Ўзбекистоннинг янги Хитой билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириши ғоят манфаатли эканидан далолат беради, назаримда. Юртларимиз ва халқларимиз ўртасида неча минг йиллик тарихий ҳамкорлик алоқалари мавжудлиги эса, албатта, алоҳида мавзудир.

— Иньчуан шаҳрига ташрифингиз қандай бошланди?

— Ташрифнинг биринчи куни Хитой — Марказий Осиё ҳамкорлик форуми доирасида Ўзбекистон делегацияси Хитой Халқ сиёсий маслаҳатлашув кенгаши Миллий қўмитаси раиси ўринбосари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси раиси Шэнь Юэюэ билан учрашув ўтказди.

Шэнь Юэюэ 2024 йил Ўзбекистон — Хитой муносабатлари тарихида янги даврни бошлаб берганини таъкидлар экан, Ўзбекистонда муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилаётганига қарамай, мамлакатимиз делегациясининг бундай ташрифи икки томонлама алоқалар юқори даражага етганининг яққол намунаси эканини эътироф этди. Хитой томони Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига мувофиқ “Ягона Хитой” сиёсатини, мамлакат суверенитети, ҳудудий яхлитлигини изчил қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Парламентлараро ҳамкорлик икки мамлакат муносабатларини мустаҳкамлашда асосий омиллардан биридир. Жорий йил сентябрь ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Хитойга ташрифи самарали бўлди. Ташриф давомида Хитой Халқ сиёсий маслаҳатлашув кенгаши Миллий қўмитаси раиси Ван Хуньин билан ўтказилган учрашувда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фикр алмашилди.

Ташрифимиз доирасида ҳам парламентларимиз ўртасидаги муносабатларни чуқур ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Хитой томони Ўзбекистон парламенти билан алоқаларни кенгайтириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ўзаро алмашинувни кўпайтиришга тайёрлигини билдирди.

Хитой Ўзбекистоннинг асосий савдо ва сармоявий ҳамкоридир. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиз ўсиб, 14 миллиард долларга етган бўлса, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида 9,85 миллиард доллардан ошди. Ўз навбатида, давлатларимиз раҳбарлари томонидан ўзаро савдо ҳажмини 20 миллиард долларга етказиш бўйича берилган топшириқни яқин йилларда якунлаш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўзаро ҳамкорликда муҳим бўлган транспорт соҳасида ҳам қатор ютуқларга эришилди. Жорий йилнинг июнь ойида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича биринчи амалий қадам қўйилиб, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида тегишли битим имзоланди.

— Мулоқотларда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўтарилдими?

— Албатта, учрашувларимизда Ўзбекистон — Хитой маданий-гуманитар ҳамкорлиги жадал ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, йил бошидан буён Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ўзбекистон — Хитой таълим форуми муваффақиятли ўтказилиб, Хитойнинг касб-ҳунар таълими тизимини жорий этишга қаратилган “Лу Бань” устахонаси ташкил қилингани мамнуният билан қайд этилди.

Ўз навбатида, тарихий фильмларни тасвирга олиш учун кинематография соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, икки мамлакат ўртасида визасиз режим жорий этилишини тезлаштириш, ўзаро “туризм йили”ни ўтказиш таклифлари илгари сурилди. Хитой томони 2025 йилда Хитойнинг таълим ва илмий тадқиқот муассасаларини жалб қилган ҳолда қўшма филиаллар ва ўқув дастурларини яратиш учун Ўзбекистонда иккинчи таълим форумини ўтказишга тайёрлигини ҳам маълум қилди.

Самимий суҳбатлар асносида ҳудудлараро ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланиб, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликда янги ўсиш нуқтаси деб баҳоланаётганига амин бўлдик. Буни, жумладан, 2023 йилда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ҳокимлари Хитойга ташриф буюргани, шунингдек, жорий йил январь ойида Урумчи шаҳрида Ўзбекистон — Хитой биринчи ҳудудлараро форуми ўтказилгани ҳам исботлайди.

Делегациямиз таркибида бир қанча ҳудудий раҳбарлар Хитойга ташриф буюргани ҳудудлараро ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлигидан яна бир далолатдир. Делегациямиз қатнашган нуфузли форум эса “яшил” ривожланиш, “яшил” саноат, қишлоқ хўжалиги ва рақамлаштириш соҳаларида ўзаро алоқалар ўрнатиш учун қулай имконият ҳисобланади.

Шунингдек, Хитой томони 2025 йилда Самарқандда Иккинчи ҳудудлараро форум ўтказилишини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Бўлажак форумнинг мақсади ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларини амалда намоён этишдир.

— Хитой — Марказий Осиё ҳамкорлик форумида сўзга чиққанлар, асосан, қайси масалаларга эътибор қаратди?

— Ҳамкорлик форумининг очилиш маросими 26 октябрь куни бўлиб ўтди. Тадбирда Хитой Халқ сиёсий маслаҳатлашув кенгаши Миллий қўмитаси раиси ўринбосари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси раиси Шэнь Юэюэ, Нинся-Хуэй автоном райони Коммунистик партия қўмитаси котиби Ли Ифэй, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти котиби Чжан Мин каби нуфузли расмий шахслар иштирок этди. Шу ўринда форумга мезбонлик қилган Иньчуан шаҳри Хитойнинг Нинся-Хуэй автоном райони ҳудудида жойлашганини айтиб ўтиш лозим.





Форумда, шунингдек, Ўзбекистон делегацияси билан бир қаторда Қирғизистон Бош вазири ўринбосари Э.Байсалов, Тожикистон Бош вазири ўринбосари З.Сулаймон ҳамда минтақанинг Пекиндаги дипломатик ваколатхоналари, Хитойнинг музофот ва шаҳарлари вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ушбу форум 2023 йил Сиань шаҳрида ўтказилган биринчи Хитой — Марказий Осиё саммити якунида қабул қилинган декларацияни амалга ошириш ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш учун муҳимлигини таъкидлади.

Форум ишида аввалбошданоқ ҳудудлараро ҳамкорлик, “яшил” ривожланиш, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, энергетика, солиқ ва табиий офатларга қарши курашиш каби масалалар илгари сурилгани кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга янги туртки берди. Шу маънода, Хитой — Марказий Осиё ҳамкорлик форуми дўстона ҳамкорлик ва мамлакатларимизнинг умумий келажаги учун янги уфқларни очгани эътироф этилди.

Энг муҳими, форум минбаридан Марказий Осиё мамлакатлари билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликни тубдан кучайтириш, ўзаро дўстона алмашинувларни мустаҳкамлаш, яқин ҳамкорликни янги босқичларга кўтаришга қаратилган қатор амалий таклифлар илгари сурилди. Жумладан, ўзаро ҳамжиҳатликда:

мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, қулай, сифатли ва самарали хизматлар орқали минтақа мамлакатларидан инвестицияларни жалб қилиш учун биринчи даражали бозор, ҳуқуқий халқаро ишбилармонлик муҳитини рағбатлантириш;

тўртинчидан, биродар шаҳарлар ҳамкорлиги ривожланишини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ҳукуматлар ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ташрифларни кучайтириш, илм-фан, технология, таълим, маданият ва туризм соҳаларида, шунингдек, инновацион ҳамкорликни кенгайтириш каби масалаларга алоҳида урғу берилди.

— Иштирокчилар Хитой — Марказий Осиё ҳамкорлик форуми самарадорлигига ҳам баҳо бердими?

— Бу ҳамкорлик форумига асос солинганидан буён унинг фаолият кўлами изчил кенгайиб, таъсир доираси тобора ортиб бормоқда. Бинобарин, Хитой билан минтақамизнинг беш та мустақил давлати ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳамда биргаликдаги тараққиёт борасида эришилган айни шу келишув туфайли анъанавий дўстлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик китоби саҳифаларига янгидан янги ютуқлар битилмоқда.

Бу форум ноёб мулоқот майдони сифатида бизга Хитой билан минтақа давлатларининг ҳамкорлиги истиқболларини муҳокама қилиш имконини яратмоқда. Хитой халқи мақолида айтилганидек, **“Янги учрашув ва дўстона мулоқотлар ҳамма нарсадан қадрлидир”.**

Форумда сўзга чиққанлар томонидан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик аллақачон жадал ривожланиш орбитасига киргани таъкидланди. Ҳамкорликнинг, жумладан, қуйидаги амалий натижалари санаб ўтилди:

биринчи амалий натижа — ҳар ҳафта Хитой ва Марказий Осиё ўртасида 70 та тўғридан тўғри йўловчи рейс амалга оширилмоқда;

иккинчи амалий натижа — Хитой, Қирғизистон, Ўзбекистон темир йўл лойиҳасини биргаликда илгари суриш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди ва ушбу янги стратегик йўналиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўтиши учун янги “яшил йўлак” назорат пунктлари йўлга қўйилди, Қозоғистон орқали транскаспий автомобиль йўли ишга туширилди, Хитой — Европа йўналиши бўйича юк поездлари қатнови сони 10 мингтадан ортиб, ҳажми 9 фоиз ошди;

учинчи амалий натижа — мамлакатларимиз ўртасида электрон савдо, “яшил” ривожланиш, сунъий интеллект, автомобилсозлик, энергетика каби янги йўналишлар ривожланмоқда;

тўртинчи амалий натижа — маданий-гуманитар алмашинув янги босқичга чиқди. Ўзаро маданият, туризм йиллари муваффақиятли ўтказилди, Хитойнинг анъанавий тиббиёт марказлари университетларининг филиаллари очилди, биродар шаҳарлар сони 80 тадан ортди.

— Форумнинг натижадорлигини янада ошириш юзасидан қандай янги амалий таклифлар ўртага ташланди?

— Давлатларимиз раҳбарлари ўртасида эришилган битим ва келишувларни амалга ошириш, томонларнинг асосий манфаатларига оид масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш муҳимлигига эътибор қаратилди. Ўзаро муносабатларимизнинг моддий базасини соддалаштириш мақсадида “яшил” ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, анъанавий ва янги соҳаларда алоқаларни ривожлантириш, камбағаллик, қурғоқчилик билан курашиш каби соҳаларда тажриба алмашиш, қишлоқларни ривожлантириш борасида ҳамкорлик муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, Хитой — Марказий Осиё форматининг институционал шаклланиши масалалари кўтарилди. Хусусан, томонлар ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишларида вазирлар даражасида ҳамкорлик механизмларини яратиш, Хитой — Марказий Осиё формати котибиятининг ролини тўлиқ аниқлаш, Хитойда ўтказиладиган вазирлар йиғилиши ва 2025 йилда Қозоғистонда бўлиб ўтадиган иккинчи саммитга тайёргарлик кўриш ҳамда форматни биргаликда такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш учун ҳамкорлик қилиш юзасидан фикр алмашдилар.

Ҳудудлараро ҳамкорликни доимий равишда янги мазмун билан бойитиш ва мустаҳкамлаш, Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорлик шаклларини такомиллаштириш, мавжуд Хитой — Қозоғистон ва Хитой — Ўзбекистон ҳудудлараро форумлари, шунингдек, Хитой — Қирғизистон ишбилармонлар учрашувларини фаол давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Бунда ўзаро манфаатли муносабатларни шакллантириш мақсадида тижорат музокаралари ҳамда номоддий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик салоҳиятини очиш, биродар шаҳарлар сонини 100 тага етказиш, ўзаро ташрифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келинди.

Форум иштирокчиларининг якдил фикрича, тенг ва тартибли кўп қутбли дунёни, очиқ ва инклюзив иқтисодий глобаллашувни тарғиб қилиш, халқаро ҳуқуққа асосланган тартибни қатъий қўллаб-қувватлаш, умумқабул қилинган ҳуқуқ ва манфаатларни қатъият билан ҳимоя қилиб, дунё тинчлиги ва глобал тараққиётни сақлашга муносиб ҳисса қўшиш жуда муҳимдир.

— Форумдан олган ёрқин таассуротларингиздан биттасини баҳам кўра оласизми?

— Биласизки, Марказий Осиё халқларини минг йиллик қардошлик ва қўшничилик, қуда-андачилик ришталари боғлаб туради. Халқларимиз ҳамиша бир-бирига елкадош ва ҳамжиҳат бўлиб яшаб келган. Ўзбекистон Президенти қайд этганидек, **“Бизни ягона тарих, ягона дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради”.**

Ана шу ҳаётий ҳикмат Иньчуан шаҳрида ўтган форумда яна бир бор амалда намоён бўлди, десам янглишмайман. Форум минбаридан қўшни ва қардош давлатларнинг нуфузли вакиллари ўз мамлакатлари ва умумминтақавий аҳамиятга молик муҳим таклифларни билдирди.

Форумда биз ҳам айни таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватладик. Зеро, бизга Президентимиз уқтирганидек, **“минтақавий интеграцион жараёнлар қўшнилар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтиришга асосланиши, ҳар биримиз қўшнимизнинг ютуғини ўзимизнинг ҳам ютуғимиз, унинг тинч ва фаровон ҳаётини бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови, деб билишимиз лозим”.**

— Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари ҳақида қандай фикрлар билдиришингиз мумкин?

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан Хитой буюк цивилизациянинг қадимий ўлкалари сифатида икки томонлама ҳамкорликнинг тарихий юксалиш палласида турибди. Бунда, бир томондан, Хитой ўзининг модернизациялаштириш услубини тобора жадаллаштираётгани, бошқа томондан, мамлакатимиз “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини барча соҳаларга изчил татбиқ қилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро ҳамкорлигимиз самарасига бир мисол: БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон ва Хитой томонидан Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини белгилаш бўйича таклиф қилинган резолюция бир овоздан маъқулланди. Бинобарин, **10 июнь — Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот куни**, деб эълон қилинди.

Ушбу резолюция халқаро ҳамжамият томонидан қизғин кутиб олинди ва кенг қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон Хитойнинг Глобал цивилизация ташаббусини қатъий қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Хитойнинг таклифига биноан Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот куни резолюциясини ишлаб чиқишда асосий гуруҳ аъзоси сифатида фаол иштирок этди ва резолюциянинг қабул қилинишига салмоқли ҳисса қўшди.

Хитой Ўзбекистоннинг савдо-сотиқ ва инвестиция бўйича энг йирик ҳамкорларидандир.

Ўзбекистон “Ягона Хитой” тамойилини маъқуллайди. Биз биргаликда “уч ёвуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши қатъий курашмоқдамиз. Мамлакатларимиз цивилизацияларо мулоқотни ривожлантириш борасида ҳам жаҳон аҳлига муносиб намуна бўлмоқда.

Хитойларда бундай мақол бор: “Меҳнат-машаққат чекмасанг, тупроқ ичидан олтинни ажратиб олишинг мушкул”. Ўзбек халқининг мана бу мақоли шу мантиққа ўта уйғун: “Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда”.

Мухтасар айтганда, мамлакатларимизнинг обод ва халқларимизнинг бахтли ҳамда фаровон бўлишини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда ўзаро бирдам ва ҳамжиҳатликда иш тутсак, шундагина фаолиятимиз янада натижадор бўлади. Иньчуан шаҳрида бўлиб ўтган Хитой — Марказий Осиё XI ҳамкорлик форумида шулар ҳақида атрофлича мусоҳаба қилдик.

Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

2024 йил 29 октябрь, 219-сон

Рақамли технологияларни миллий статистика тизимида кенг кўламда қўллаш янги ахборот манбалари, маълумотлар сифатини яхшилаш ва улардан фойдаланиш жараёнини соддалаштиришга катта ёрдам беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Янгича ёндашувлар



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА СОҲАСИНИНГ РАҚАМЛАШУВИ

фойдаланувчиларга қулайлик яратишда муҳим аҳамиятга эга

Статистика соҳасининг рақамлашуви фойдаланувчиларга қулайлик яратиш билан бирга, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва етказиб беришни ҳам енгиллаштиради. Маълумотлар самарадорлиги ва аниқлигига бўлган талаблар кучайиши ҳисобига фаолиятни автоматлаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли статистика ахборот тизимларини модернизация қилиш ва уларнинг интеграцияси масалалари долзарб бўлиб бормоқда.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Статистика агентлигининг Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси бошлиғи



Соҳани ривожлантириш бўйича миллий стратегия тасдиқланиши келгусидаги асосий йўналишларни аниқлаш имконини берди. Интеграция жараёнларида рақамли технологияларни кенг қўллаш расмий статистикани шакллантириш учун истиқболда фойдаланилиши мумкин бўлган статистик маълумотлар манбалари, масалан, “Big data” ечимларига йўл очиб беради.

МДҲнинг яқинда, яъни октябрь ойи бошида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган II халқаро статистика форумида айни шу мавзу муҳокама қилинди.

Рақамли технологияларни статистика соҳасига интеграция қилишнинг якуний мақсади юқори сифатли статистик маълумотларнинг барча фойдаланувчилар учун осон ва тушунарли бўладиган экотизимини яратишдир.

Замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари тобора кенгайиб бориши ва истеъмол нархлари индексини шакллантириш жараёнларига “Big data” технологиялари жорий этилиши барча давлатлар статистика идораларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, Норвегия, Туркия, Грузия, Вьетнам, Қозоғистон каби давлатлар статистика идоралари истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китоблари учун нархлар тўғрисидаги зарур ахборотларни маъмурий маълумотлар асосида тўплаш ишларини амалга оширмоқда.

Шунингдек, Грузия ва Норвегия миллий статистика идоралари турар жой мулки нархлари индексини ҳисоблаш учун веб скрепингдан фойдаланишни йўлга қўйган.

Туркия миллий статистика институти статистик бизнес регистри тизимидаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалар бўйича маълумотларни чораклик ва ойлик солиқ ҳисоботи билан боғлаш ишларини амалга оширмоқда.

Янги ахборот манбаларидан кенг фойдаланиш имкониятлари ва маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ҳамда тарқатишда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса расмий статистика ва бошқа маълумотлар ишлаб чиқарувчилар — давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва илмий муассасалар ўртасида самарали ҳамкорлик зарур.


Статистик маълумотларни шакллантириш учта — бирламчи маълумот йиғиш, қайта ишлаш ва статистик маълумотларни тақдим этиш босқичини қамраб олган жараёндир.

Юртимизда бирламчи маълумотларни йиғишда янги ахборот манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бунинг учун Статистика агентлиги томонидан статистик маълумотларни тўплаш мақсадида 16 дан ортиқ вазирлик ва идоранинг 30 дан зиёд маъмурий маълумотлар базаси интеграцияси амалга оширилди. Натижада ишончли статистик маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳамда республикадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат бўйича 100 дан ортиқ турдаги муҳим кўрсаткичларни онлайн янгилаб бориш, эълон қилиш, излаш вақтини тежаш имконияти яратилди.

Шунингдек, статистик ҳисоботларни таҳлил қилиш жараёнида маълумотларни солиштириш орқали мутаносибликни аниқлаш тизими йўлга қўйилди. Кузатувларни планшетлар ёрдамида ўтказиш ҳамда маълумотларни онлайн режимда интернет орқали Статистика агентлиги марказий аппарати серверларига юбориш имконига эга ахборот тизими ва махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилди.

Статистик кузатувларни ўтказиш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш орқали қоғоз сарфи 100 фоиз камайиб, йилига ўртача 600 миллион сўм иқтисод қилинишига, маълумотларини тўплаш вақтини 2 баробар ва маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш муддатини 8-10 баробар қисқартиришга эришилди.

Планшетда GPS навигация тизими асосида автоматлаштирилган назорат тизими бўлиб, регистратор нархларни қайд қилиш учун савдо ёки хизмат кўрсатиш объектига



Статистик маълумотларни шакллантириш архитектураси



борганда планшетдаги геолокация функцияси ёқилиб, ахборот тизимига аввалдан киритилган географик жойлашув билан мослиги 2 босқичда автоматик равишда текширилади. Биринчи босқичда маълумотларни киритиш жараёнида геолокация текширилади ҳамда географик жойлашув мос келса, қайд қилишга рухсат берилади. Иккинчи босқичда эса савдо ёки хизмат кўрсатиш объектидаги барча тегишли маълумотлар планшетга киритилгандан сўнг геолокация яна бир бор текширилиб, географик жойлашув тасдиқланади.

Натижада регистраторларнинг танлаб олинган савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бормай туриб маълумотларни қайд этиш ҳолатига чек қўйилди.

Бугунги кунда веб скрапинг усуллари ёрдамида интернет дўконлардан товарлар нархларини сканерлаш тизими жорий этилган. Бу билан бир неча сония ичида юзлаб интернет дўкондаги товарлар нархларини ўрганиш мумкин.

Ҳозирги кунда статистик вазифаларни бажаришда дунё статистика ташкилотлари бир неча дастурий маҳсулотдан фойдаланади. STATA (Statistical software for data science), IBM SPSS Statistics, STATISTICA (Statistical data analysis), MATHLAB (Matrix Laboratory) шулар сирасидан. Мамлакатимизда вазирлик ва идоралардан интеграция йўли билан олинган катта ҳажмдаги маълумотлар STATA дастурий таъминотида қайта ишланади.

Мазкур дастур таҳлилларни жадвал, рейтинг ва график кўринишда тақдим эта олади.

STATA дастурида ишлаш бир неча босқични ўз ичига олади. Дастур ишга тушиши учун унда керакли маълумотлар базаси танлаб олинади. Ушбу жараёнда марказий аппарат серверига электрон ҳисобот тизими, танланма кузатувлар ва вазирлик идораларнинг маъмурий маълумотлари келиб тушади. Мазкур маълумотлар асосида марказий аппаратнинг тармоқ бошқармалари томонидан тақдим қилинган жадваллар шакллантирилади.

Форумда ана шундай тажрибалар ўрганилиб, тегишли хулосалар олинди. Масалан, Business Intelligence (BI) ва маълумотларни тезкор таҳлил қилиш технологияларидан фойдаланиш, сифат моделлари (GSBPM, GSIM, GAMSO, NQAF), метамаълумотлар алмашинишининг халқаро стандартлари (SDMX), смарт маълумотлар — Findability, Accessibility, Interoperability, Reusability (FAIR — маълумотлар) тамойилларига мос келадиган очиқ боғланган маълумотлар бўйича батафсил ахборот берилди.

Статистик маълумотлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш, йиғиш ва айирбошлаш технологияларини самарали қўллаш борасида тажриба алмашилди. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни регистр ва бошқа маълумотлар манбалари асосида ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Рақамли технологияларни миллий статистика тизимида кенг кўламда қўллаш янги ахборот манбалари, маълумотлар сифатини яхшилаш ва улардан фойдаланиш жараёнини соддалаштиришга катта ёрдам беради. Таҳлил қилиш ва келажакдаги ҳолатлар прогнозида қўл келади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

“STATA дастурида ишлаш бир неча босқични ўз ичига олади. Дастур ишга тушиши учун унда керакли маълумотлар базаси танлаб олинади. Ушбу жараёнда марказий аппарат серверига электрон ҳисобот тизими, танланма кузатувлар ва вазирлик идораларнинг маъмурий маълумотлари келиб тушади. Мазкур маълумотлар асосида марказий аппаратнинг тармоқ бошқармалари томонидан тақдим қилинган жадваллар шакллантирилади.

Ҳар бир оила — тадбиркор

БАЛИҚ ТУТИШ УЧУН ҚАРМОҚ БЕРИЛГАНДА...

Бошланиши 1-бетда

Фарғона шаҳри “Сой бўйи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “STATUS SOFT” МЧЖда Эрон ва Хитой технологияси асосида ноёб турдаги гулмоҳи (форель) балиғи етиштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Асосан, совуқ сув ҳавзаларида ривожланишга мойил бу бозоргир балиқларни шу кунга қадар маҳаллий шароитда етиштириш имконияти бўлмаган. Лойиҳа бу йўналишда янги имконият эшикларини очди. Бу ерда умумий майдони 23 сотих бўлган 32 та кичик кўл қурилиши ҳисобига йилига 100 тонна гулмоҳи етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш имконияти яратилди.

— Франция тараққиёт агентлиги иштирокидаги “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида узоқ муддатли, имтиёзли кредит ажратилди, — дейди балиқчилик хўжалиги раҳбари Умиджон Мадаминов. — Айни кунда 3 та балиқ ҳавзаси ишга туширилди, 10 минг дона балиқ чавоғини парваришга қўйдик. Насиб қилса, янги йил дастурхонига 10 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берамиз.

Бугунги кунда вилоятдаги 11 минг гектардан ортиқ сув ҳавзаларида балиқ боқиляпти. Табиий сув ҳавзаларидан ташқари интенсив, қафас мосламалар, ёпиқ сув айланма тизимлар ва аҳоли хонадонларида ташкил этилган кўлларда балиқ боқиш тажрибалари оммалашиб бормоқда.

— Президентимизнинг 2020 йил 29 августдаги “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори балиқни саноат усулида етиштириш, қайта ишлашда тармоқ корхоналари учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди, — дейди вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Камолиддин Мўйдинов. — Балиқ етиштириш билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сув истеъмоли учун тўланадиган солиқ турларида имтиёзлар берилди. Амалий тадбирлар боис, бозорларимизда балиқ маҳсулотларининг тури кўпайиб, нархи арзонлашиб бормоқда. Интенсив усулда балиқ етиштиришга эътибор кундан кунга кучаймоқда. Бугунга қадар сунъий сув ҳавзаларини ярим интенсив усулга ўтказиш учун 169 та фермер хўжалигида умумий қуввати 748 кВт.га эга қуёш панеллари ўрнатилди. Бу электр тармоқлари етиб бормаган олис ҳудудлардаги кўллардан самарали фойдаланиш имкониятини бермоқда. Бундан ташқари, 655 гектар майдонга 1485 та аэратор ўрнатилди. Бунинг ҳисобига сунъий сув ҳавзаларида ўртача ҳосилдорлик 4-5 баробар ошди. Чунки айланма аэратор қурилмалари кўл тубини фойдали кислородлар билан бойитиб беради, сув ҳароратини меъёрлаштириб туради. Озиқлантирувчи мослама эса озуқаларни бутун кўл бўйлаб сочади. Натижада балиқлар бир меъёрда озиқланиб, соғлом ва тез ривожланади.

Балиқчилик йўналишида энг кўп лойиҳа Ёзёвон туманида амалга оширилди. Кейинги икки-уч йилда Марказий Фарғонадаги чўл ерларни ўзлаштириш ҳисобига 2 минг гектар балиқ кўллари ташкил этилди.

— Шу кунга қадар умумий қиймати 19 миллиард 170 миллион сўмлик 16 та истиқболли лойиҳа бажарилди, — дейди Ёзёвон тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Раҳматжон Мамажонов. — Ўтган мавсумда “Азиз кўл” фермер хўжалигида қуёш панелларидан



фойдаланган ҳолда балиқ парваришлаш тажрибаси синов тариқасида амалиётга жорий этилганди. Бу усул қисқа фурсатда ўз самарасини берди. Жорий мавсумда туманимиздаги 45 та балиқчилик хўжалигида муқобил электр манбаларидан фойдаланган ҳолда балиқ етиштириляпти. Бу ортиқча харажатларсиз мўл ва сифатли ҳосил олиш имкониятини беряпти.

Бундан ташқари, 4 минг гектар сунъий сув ҳавзаларини интенсивлаштириш борасидаги лойиҳалар маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашга сабаб бўлмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, соҳага кластер, кооперация тизимларини жорий этиш, водий иқлим шароитига мос серҳосил балиқ турларини парваришлаш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан самарали фойдаланишга бўлган эътибор ошди. Масалан, оддий усулда бир гектар ерда ўрта ҳисобда 3-5 тонна балиқ етиштирилган бўлса, интенсив усулда балиқ парваришлаш орқали ҳосилдорлик 7-8 тоннадан ошади.

“Фарғона балиқсаноат агро” МЧЖ томонидан Ёзёвон туманида интенсив усулда 100 тонна балиқ етиштириш лойиҳаси амалга оширилди. Олтиариқ туманидаги Қизилтепа массиви ҳудудида бакрабалиқ (осётр) етиштирувчи ёпиқ сув айланма тизими ишга туширилди.

— Бу ерда йилига 2 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилади, — дейди “Фарғона балиқсаноатагро” МЧЖ иш юритувчиси Юнусали Нишонов. — Янги усул катта майдон, кўп сув сарф қилмасдан мўл ва сифатли маҳсулот олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, балиқ чавоқлари, омихта ем ишлаб чиқариш, маҳсулотни қайта ишлаш, экотуризмни ривожлантириш мақсадида балиқ ҳавзалари олдида балиқ овлаш учун махсус жойлар ташкил этиш билан боғлиқ янги лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз.

Аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқаришда бу тармоқнинг имконият ва истиқболлари юқори.

Данғара туманидаги “Боғиш” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Яшнарбек Нўъмонов ўз томорқасида декоратив балиқ кўпайтириш билан шуғулланиб келмоқда.

— Уй шароитда бу балиқларни маҳаллий шароитга мослаштириш, парваришлаш масаласида соҳа мутахассислари билан алоқа боғлаб, изланишлар олиб бордим, — дейди ёш тадбиркор. — Меҳнатларим бесамар кетмади, балиқлар маҳаллий шароитимизга тез мослашиб, яхши ривожланди, даромади ҳам чакки эмас. Масалан, 10 сантиметрли бир дона декоратив балиқ улгуржи нархларда 10-15 минг сўм атрофида баҳоланади. Бу бир мавсумда ўрта ҳисобда 150-200 миллион сўмдан ортиқ даромад деган гап.

Уй шароитида тез етилувчи африка лаққаси боқиш ҳам оммалашмоқда. Бу балиқ маҳаллий иқлим шароитга тез мослаша олиши ва ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Балиқ чавоқлари олти ойда бир килограммдан ортиқ вазн олади. Уларни парваришлаш учун катта сув ҳавзалари талаб қилинмайди. Интенсив усулда балиқ етиштириш орқали бир квадрат метрдан 400-500 килограмм ёки 20 миллион сўмдан ортиқ даромад олинади.

Ёзёвон туманидаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 5 та хонадон эгалари ана шу усулда балиқ парваришлаяпти.

— Хонадонимизда 2 сотих сунъий кўл ташкил этиб, африка лаққаси етиштириш билан шуғулланиб келяпмиз, — дейди Баҳодир Қаландаров. — Бу балиққа ортиқча сарф-харажат қилмай, йил давомида кўпайтириш ва парваришлаш мумкин. Балиқлар 25 даражадан юқори сувда яхши ривожланади. Бунга бизнинг иқлим шароитимиз жуда мос тушади. Бир мавсумда 130-150 миллион сўмдан ортиқ даромад оламиз.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар савдо тармоқлари, аҳоли дастурхонига сархил балиқ маҳсулотлари етказиб бериш имкониятини кенгайтираётгани билан аҳамиятли.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юксалиш палласи

УЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОР



МАКТАБЛАРДА ЭРКАК ЎҚИТУВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бугун муаллимнинг мавқеи, ўқитувчилик касби нуфузини оширишга катта эътибор қаратилмоқда, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, меҳнати муносиб эътироф этилаётир. Педагоглар турли юмушлар, ортиқча қоғозбозликдан озод этилиши, ойлик маошлари оширилгани, устоз деган улуғ мақомга муносиб кўрилаётгани самарасини бир маҳаллар турли сабабларга кўра, мактабни тарк этган эркак ўқитувчиларнинг ўз ишига қайта бошлагани мисолида ҳам кўриш мумкин.



Бошланиши 1-бетда

Ўғил бола синфдошларимиз устозимиздан ҳайиқар, ўйинқароқ болалар ҳам адабиёт фанида тартибли ва интизомли ўқувчига айланиб, китобга, мутолаага ошно тутинарди.

Ёдимда, 5-синфда ўқиб юрган кезларим илк шеъримни муаллимга қўрқа-писа кўрсатар эканман, ўйчан қиёфасига бир зум қувонч инганини кўрдим. Ана шу қувонч келажакка умид берди. Устозимнинг ишончи ва қўллаб-қувватлови билан мақолаларим, шеърларим дастлаб туман, сўнг марказий нашрларда чоп этила бошланди. Шу тариқа ўз йўлимни танладим.

Устоз ўшанда ҳар биримиздаги яширин иқтидорни илғаган, шунга қараб ёндашганини кейинроқ англадик. Орадан йиллар, фасллар ўтди. Биримиз муҳандис, биримиз ўқитувчи, яна кимдир шифокор бўлди. Ортга назар ташлар эканмиз, бугунги даражамизда адабиёт муаллимининг нечоғлик меҳнати ва салоҳияти ётганини яхши тушунамиз. Талабчан ва қаттиққўл, меҳридарё муаллим сиймоси кўз олдимизда гавдаланаркан, қалбимизда миннатдорлик, чуқур ҳурмат ҳисларини туйишимиз бор гап.

Рақамлар етарлими?

Бугун муаллимнинг мавқеи, ўқитувчилик касби нуфузини оширишга катта эътибор қаратилмоқда, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, меҳнати муносиб эътироф этилаётир. Педагоглар турли юмушлар, ортиқча қоғозбозликдан озод этилиши, ойлик маошлари оширилгани, устоз деган улуғ мақомга муносиб кўрилаётгани самарасини бир маҳаллар турли сабабларга кўра, мактабни тарк этган эркак ўқитувчиларнинг ўз ишига қайта бошлагани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги берган маълумотга кўра, 2019 йилда жами ўқитувчилар сони 481 минг 604, шундан 148 минг 695 нафарини эркак ўқитувчилар ташкил этган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида 538 мингдан ортиқ педагогнинг 161 минг 432 нафари эркаклардир.

Лекин мактабларда эркак ўқитувчилар сони янада кўпайишига маънавий эҳтиёж бор. Бугун ижтимоий тармоқларда ёшларнинг устозини менсимаслик, ҳурмат қилмаслик ёки мутлақо бир-бирини тушунмаслик каби ҳолатларга бот-бот кўзимиз тушяпти. Жамиятдаги бу каби иллат илдизи болалар ҳеч кимдан ҳайиқмаслиги, маънавий муҳит саёзлигига бориб тақалади. Фарзанд зарур таълим-тарбияни, аввало, оилада олади. Отанинг ўрни мустаҳкам оилада ўғил-қиз бағри бутун, тартибли ва ориятли бўлиб вояга етиши сир эмас. Худди шу каби мактаб муҳитида ҳам эркак ўқитувчининг таъсири боланинг ғурурли, мард, жасур бўлиб ривожланишига кўмак беради. Бу эса айни ўсмирлик даврида таълим-тарбияда эркак ўқитувчининг ўрни нечоғлик муҳимлигига яққол далилдир.

Бугун таълим тизимида эркак ўқитувчилар салмоғи ортиб бораётгани болаларда ана шу ижобий фазилатларнинг шаклланишига кўмак беряптими?

Болалар интизоми билан боғлиқ муаммолар камайган

Мардлик, жасурлик, элу юрт равнақи йўлида камарбасталик азалдан йигитларга хос фазилат бўлиб келган. Оила, ватан аталмиш қўрғоннинг ҳимояси, осойишталиги ҳам улар билан. Бугун ёшларда ана шу фазилатлар янада бўй кўрсатиши учун таълим-тарбияга ҳар қачонгидан кўпроқ аҳамият қаратилмоқда. Бунда эса эркак ўқитувчиларнинг ўрни муҳим. Улар бор жойда ижобий муҳит, тартиб ҳукмрон. Жавобгарлик, интизом ва ирода каби хусусиятлар айнан эркак ўқитувчилар туфайли яна юзага чиқаётгани, ўғил болалар учун муҳим саналган ўз-ўзини бошқариш, мустақил ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш, мураккаб вазиятларда сабрли бўлиш қобилияти фарзандларимизда шаклланиб бораётгани қувонарли. Зеро, бу фазилатлар эртага бир оиланинг устуни, жамият ҳаётида етакчи, тиргак бўлгувчи йигитларга ҳаётнинг ҳар бир қадамида керак. Устознинг бирор муаммони ҳал қилиш бўйича берган маслаҳат ва йўл-йўриғи қайсидир нуқталарда ўқувчи ҳаётини яхши ўзанга буриб юбориши мумкин. Шундай бўляпти ҳам. Мураккаб ҳаётий ҳолатларга тайёр бўлиш, улкан мақсадларга эришишда муҳим бўлган сабр, кучли ирода ва қатъият каби кўникмалар шаклланишида эркак ўқитувчиларнинг таъсири беқиёс экани кўзга ташланмоқда.

Ўқитувчи учун орият масаласи жўн эмас. Ўқувчилар устозига намуна сифатида қарайди. Муаллимнинг касбига, дарсига ва фикрларига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатилиши, билимига нисбатан шубҳа билан қаралиши яхши оқибатларга олиб келмайди. Орияти мустаҳкам ўқитувчи бунга нисбатан дарҳол чора кўра олади. Шу тариқа болаларда устозга ҳурмат, тизгинсиз хатти-ҳаракатлардан чекиниш ҳисси юзага келади.

Мактаблардаги ҳолатни кузатар эканмиз, педагогнинг билими ва салоҳияти болаларни мақсад сари дадил интилишига катта туртки бериши шубҳасиз эканига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

— 6 йилдан бери ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келяпман, — дейди Фарғона шаҳридаги 19-мактаб ўқитувчиси Баҳодирхон Жўраев. — Мактабга биринчи марта ўқитувчи бўлиб келганимда ўқувчиларнинг баъзилари мени қаттиққўл деб ўйлаган, айримлари эса мактабга дарс бериш учун келган талаба сифатида кўрган. Аммо биз дарҳол умумий тил топишдик. Бир оз тартибсиз болалар ҳам учради. Улар билан қатъий суҳбатлашдим, ўзини тутиши, келажагига дахлдор ҳолатлар ҳақида зарур тавсия ва ўгитлар бердим. Орзуси амалга ошишига кўмакдош бўлишимни айтганимда ҳолат ўзгарарди. Озгина яхшилик ва эътибор уларнинг қалбига нур ва чексиз қувонч олиб киришига кўп бор амин бўлдим.

Ўз устида ишлаган, меҳнат ва машаққатдан қўрқмаган педагог шогирдларига намуна бўла оляпти. Баҳодир яқинда 2024 йилнинг “Энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси”, дея эътироф этилиб, болаларга ўрнак кўрсата олди. Унинг хаёли доим ўзлаштириши паст ўқувчилар савиясини кўтариш ёки қобилиятли ўқувчилар иқтидорини тўғри йўналтириш билан банд. Ўқувчилари фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам педагогнинг меҳнати бесамар кетмаётганидан далолат беради.

— Дарсдан сўнг ўқувчилар билан мулоқот қилишга интиламан, — дейди Б.Жўраев. — Лойиҳалар устида ишлашда уларга ёрдам бераман. Болалар нафақат диққатни, балки ғамхўрлик, меҳр ва ҳар бир қалб калитини топиш қобилиятини талаб қилади.

Биз шундай даврда яшаяпмизки, дарслик ва ўқитувчининг шахсияти ягона ахборот манбаи эмас. Педагогнинг вазифаси шунчаки ўқув материалини тақдим этиш ва болани уни ўрганишга мажбурлаш эмас, балки дарсни бошқа, муқобил маълумот манбаларидан кам бўлмаган тарзда тақдим этишдир. Ажойиб ва эсда қоларли машғулот ўқитувчи обрўйини оширади. Айниқса, эркак ўқитувчидаги қатъият ва яхши маънодаги қаттиққўллик болаларнинг дарс сабоғини жиддий ўзлаштиришига сабаб бўлаётгани, бундай устоз қўлида таълим олаётган болалар интизом билан боғлиқ муаммоларга камдан-кам дуч келаётгани кўзга ташланаётир.



Стереотипларни синдириб...

— Бугун мактабларда эркак ва аёл ўқитувчилар мутаносиблиги сезиларли таъминланмоқда. Сон жиҳатидан мутаносиблик эса гендер тенгликни қўллаб-қувватлайди. Бу болаларга жамиятда ҳар икки жинснинг тенглигини англашга ва келажакда профессионал танловларда гендер билан боғлиқ стереотиплардан холи бўлишга ёрдам беради. Чунки ўқувчи аёл устозидан меҳр, ғамхўрлик олса, эркак муаллимнинг қўлида унда ўзгача мардонаворлик, қатъият, ирода шаклланади, — дейди педагогика фанлари доктори Умид Хўжамқулов.

Эркакларнинг ўқитувчиликка қайтиши “ушбу касб фақат аёлларга хос”, деган стереотипни йўққа чиқармоқда. Бу эса мазкур касб ҳамма учун қадрли эканини кўрсатяпти. Эркак ва аёл ўқитувчилар бирга ишлаши мактабда мувозанатли, ҳар томонлама ривожланишга мос муҳит яратади. Бу, ўз навбатида, ёшлар ўртасида ўқитувчиликка қизиқишни орттирмоқда. Ҳар икки устоз ҳам ўқувчиларга турли ижтимоий ва эмоционал қўллаб-қувватлашни бериши мумкинлиги кўзга ташланяпти.

Мактабларда жисмоний фаоллик ва спортга қизиқиш ортмоқда. Улар кўпинча спорт ва жисмоний машғулотларни тарғиб қилади, бу ўқувчиларнинг жисмоний саломатлигини яхшилашда муҳимдир.

— Болаларнинг кўнглига йўл топиш, муаммоларини тинглашга ҳаракат қиламан, — дейди Олмазор туманидаги 242-мактаб ўқитувчиси Баҳодир Қаҳҳоров. — Улар турли оилаларда катта бўляпти, феъл-атворлар, одатлар турлича. Баъзан устозни назарга илишмайди. Шундай пайтда жисмоний тарбия ўқитувчиси эканим қўл келади. Болаларни спорт машқларини бажаришга ундайман ва шу орқали руҳиятини тарбиялашга ҳаракат қиламан. Мактаблардаги инспектор-психологлар штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия тизимига ўтказилди. Улар бугун бизга яқин кўмакчи, тартибсизликларни биргаликда бартараф этиб келяпмиз. Мактабимизда эркак ўқитувчилар камроқ. Жами ўқитувчиларнинг 10 фоизини эркаклар ташкил қилади, холос. Уларсиз мактаб тўлиқ бўлмаган оилага ўхшайди. Ҳамкасбларимиз сони ортса, мактабда таълим сифати ҳам ошиши, тартиб-интизом қатъийлашишига ишончим комил.

Эркак ўқитувчиларнинг мактабдаги иштироки ёш ўғил болалар учун ўзликни англашда қўллаб-қувватловчи омил бўлаётгани, болалар келажакдаги шахсий ва ижтимоий мақсадларини белгилашда устозидан илҳом олаётгани рост. Эркак ўқитувчилар таъсирида болаларнинг ўзига ишончи ортиб бораётганига мулоқотлар пайтида кўп бор гувоҳ бўлдик.

Умидлар йўлида...

Катта йўл бошида турибмиз. Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган шу кунларда миллатимизнинг том маънодаги “олтин фонди”га умид боғланмоқда. Ҳар жиҳатдан етук, фазилатли ёшларни эса қадр-қиммати баланд устозлар тарбиялайди. Бунда қатъият ва ирода соҳиби, феъли кенг, мард ва танти, фидойи эркак ўқитувчиларнинг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги берган маълумотга кўра, биргина жорий йил бошидан буён 125 ўқувчи-ёш нуфузли халқаро олимпиадаларда юқори натижа кўрсатиб, ғолиб бўлди. Бу дунё таълими саҳнасида 125 марта юртимиз шаъни улуғланганидан далолат беради.

Олис ва чекка ҳудудларга бориб ишлаётган ўқитувчиларнинг аксариятини эркак педагоглар ташкил этяпти. Кўпгина мактабларнинг “қизил” тоифадан “яшил”га ўтишида ҳам уларнинг ҳиссаси катта. Улар бор жойда билим ва салоҳият, масъулият, тартиб ҳукмрон бўлаётгани кузатилмоқда.

Кун келиб ҳозирги болалар орасидан етишиб чиққан олимлар, зиёлиларнинг қалбида уларга таълим берган муаллим олдидаги қарздорлик, чуқур ҳурмат туйғулари бўй кўрсатиши шубҳасиз. Дунёни ўзгартиришга қодир гўзал туйғулар, эзгу ғояларга туртки берган устозлар сиймоси хотираларда жонланаркан, ориятли, мард, ғамхўр оталар, акалар ёдга тушади. Бугун касбининг қувончу заҳматига эш, фидойи устоз — эркак ўқитувчилар салмоғи ошиб бораётганини кўриб, кўнгилда кўп яхшиликларга умид уйғонмоқда. Умидлар рўёби эса ҳали олдинда!

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуқтаи назар

ТИЛНИ АСРАМОҚ МИЛЛАТНИНГ БУРЧИ



Азизбек ҲАСАНОВ,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент



Ҳар бир миллатнинг маънавий камолотини кўрсатадиган қадриятлари бўлади. Шулардан бири, шубҳасиз, тил. Бизнинг ҳам дунё тиллари билан беллашишга қодир гўзал ва бой тилимиз бор. Она тилимиз халқимизнинг узоқ тарихий илдизларига, ўз сиёсий-ҳуқуқий асосларига эга муқаддас маънавий ютуғидир. Бугунги кунга қадар шонли ва шарафли йўлларни босиб, кескин ва шиддатли тўфонларни енгиб келаётган миллий тилимиз давлат мақомида янада улуғвор ва устуворлигини намоён қилиб келмоқда.

Президентимизнинг **“Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тутсин”**, деган фикридан англаб етиш мумкинки, тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. У халқ тараққиёти ва келажагини белгилайдиган, бирлаштирадиган, урф-одат ва анъаналарини сақлайдиган асосий восита эканини ҳар биримиз чуқур англаб, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишга ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Тил жуда муҳим тарбия воситаларидан бири. Ёш авлод қайси тилда тарбия топса, унинг кейинги тақдири ҳам бевосита шу тил билан боғлиқ бўлади. Бола қанча кўп тил ўрганмасин, барибир унинг тасаввурида илк бора ҳаёт рангларини таниган она тили асосий бўлиб қолаверади. У айни тилда фикрлайди, мулоҳаза юритади. Шу ўринда ўзимизга савол берсак: биз фарзандларимизни она тилимизга муҳаббат руҳида тарбиялай оляпмизми? Улар келгусида тилимизнинг асосий тарғиботчилари сифатида қолишини тушуниб етяпмизми?

Бугун мамлакатимизда ёшларга эътибор ҳар қачонгидан юқори. Йилимиз ҳам бежиз “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланмаган. Уларда ўзини турли соҳаларда синаб кўриш, бу йўлда давлатимиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш имконияти бор. Кимдир бизнесни танласа, кимдир ўз келажагини илм-фанда кўради. Бугун ўз брендини яратиш, уни кенг танитиш уддалаб бўлмайдиган иш эмас. Ёшлар орасида ўз йўлини топган, аллақачон муваффақиятли тадбиркорга айланганлари талай, уларнинг ютуқларидан дил қувонади. Бироқ аксарият ёшлар томонидан шахсий бизнесига танланаётган ажнабий тиллардаги номларни ўқиб хафа бўласан киши. Бунинг сабабини сўрасангиз, дунёга танилиш учун шу йўлни тутганини айтади. Наҳотки она тилимизда дунёга танилишга арзийдиган сўзлар бўлмаса?! Шундай ёшлар ном танлаш жараёнида ўзбек тилининг изоҳли луғатига бир қур назар солсалар, қанчадан-қанча гўзал номлар топган бўларди-я, деб ўйлаб қоласан.

Тилга меҳрли ҳар бир инсон унинг қўпол равишда бузилишига йўл қўймайди, ҳурмат билан қарайди. Ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларига хилоф иш тутса, белгиланган жаримани тўлайди. Адабий тил меъёрларига риоя этмасдан телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борувчи бошловчиларнинг тилимиз қоидаларини бузишига эса негадир жарима солмаймиз. Аслида, уларнинг она тилига меҳру муҳаббати бошқаларга ўрнак бўлиши керак эмасми? Ўзбек тилида теле ва радиокўрсатувлар олиб борувчи бошловчи ва журналистларимиздан бу масалани қайта ўйлаб кўришларини илтимос қилган бўлардик.

Ўзбек тили АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва шу каби қатор давлатларнинг 60 га яқин олий таълим муассасаси ва 100 дан зиёд мактабида ўрганилаётган бир пайтда биз қурилган биноларимизнинг номини хорижий тилларда номлаб ўтирганимизни, ҳатто реклама материалларини ҳам шундоқ латиф тилимиз қолиб ажнабий сўзлар билан тўлдираётганимизни қандай тушуниш мумкин?

Зеро, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек: **“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.**



Мамлакатимизда давлат тилига эътибор ҳар қачонгидан-да кучайди. Бугун она тилимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодга етказиш мақсадида атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактаблари ташкил этилган. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида сабоқ олган ёшлар ўзбек тили ва адабиёти, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганаётир. Албатта, бу ёшлар келгусида она тилимиз, миллатимизнинг ҳақиқий жонкуярлари бўлиб вояга етадилар.

Таассуфки, мустабид тузум даврида миллат руҳи, ғурури бўлмиш ўзбек тилининг мавқеини пасайтиришга уринишлар кўп бўлган. Миллат ойдини, маърифатпарвар адиб Абдулла Қодирий **“Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”,** деган хитоби билан ўтмишнинг аччиқ ситамларини баён қилган эди. Бугун эса ҳолат бутунлай бошқача, она тилимиз қадрини юксалтириш фуқаро сифатида ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ.

Шундай экан, барчамизда она тилимизга бўлган ғамхўрлик ва муҳаббат кун сайин ўсиб борувчи жараёнга айлансин. Ёш авлодни ҳам айни руҳда тарбиялаш масъулиятини ҳаммамиз бирдек ҳис этайлик. Шундагина аждодларимиз руҳи бизлардан рози, авлодлар эса миннатдор бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Сайфулла бобо Алмуродов шу қишлоқда туғилиб, вояга етган. Мактабни битиргач, олийгоҳда ҳуқуқшуносликка ўқиди. Олий таълимни тугатгач, Қамаши ва Қарши туманлари ички ишлар бўлимларида раҳбарлик лавозимида анча йиллар меҳнат қилди.

Орамиздаги одамлар

ЭЛ ДАРДИ БИЛАН яшаётган оқсоқол



Болаларнинг орзуси ушалди

Қишлоқда субҳидамдан ҳаёт қайнаб, кимдир чорвасини қир-адирга ҳайдаган, бирови кетмон кўтарганча далага шошилади. Уй бекалари аллақачон сигирини соғиб, қозон бошида нима биландир банд бўлади. Бу қишлоқда саҳарданоқ шошиладиганлари болалар. Чунки мактабгача йўл олис, камида 5-6 километр. Агар эртароқ ҳаракатни бошламаса, кеч қолиши аниқ.

Кундалик одатига кўра, Сайфулла ота бу пайтда қишлоқни бир айланиб чиқаётган бўлади. Ҳаёт бир маромда, тинч ва осуда кечаётганига гувоҳ бўлиб, кўнглида хотиржамликни ҳис этади. Фақатгина бир муаммо борки, анчадан бери шуни ҳал этолмай овора. Қишлоққа мактаб зарур. Анча йилдирки, битта ўқув маскани барпо этиш учун кирмаган эшиги қолмади. Ҳар сафар совуқда болалар олисдаги мактабга шошилаётганини кўриб, юрагидаги дард яна қўзғалади. Болалар камида икки соатдан ортиқ йўл юриши лозим. Айниқса, тушдан сўнг ўқийдиганлари тун қоронғисида уйига келади. Шундай катта қишлоқда битта мактаб бўлмаса. Илгари хўжалик ҳисобидан яхшигина ўқув биноси қурилиши бошланганди. Аммо эндигина биринчи қавати битган жойида чала қолиб кетди. Аҳоли шунча елиб-югуриб барибир охирига етолмади. Аксинча хўжалик тугатилиб, ўша чала иморатни ҳам бузиб кетишди.

Мана, орадан вақт ўтди. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида ҳаракат бошланди. Энди яна қайтадан уриниб, раҳбарларга айтиб кўрса, зора йўқ дейишмас. Сайфулла ота уйига кириб, белига белбоғини маҳкам боғлаганча бир талай ҳужжатларни кўтариб, Қарши шаҳрига жўнади. У ерда кечга қадар уч-тўрт идора раҳбарлари билан учрашди. Ҳар бирига вазиятни эринмай тушунтиришга ҳаракат қилди. Ҳартугул катталар отанинг мурожаатини эътиборсиз қолдирмайдиган бўлди.

Орадан кўп вақт ўтмай, қишлоққа мутахассислар келиб, ҳолатни ўрганди. Ҳақиқатан, бу ерга мактаб зарур эканини ўз кўзлари билан кўриб, хулоса чиқаришди. Келгуси йилги давлат дастурига киритиш борасида таклиф тайёрланадиган бўлди. Лекин яна бир муаммо бор эди. Хўш, янги таълим маскани биноси учун жой керак. Бу тарафини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. Аҳолининг боши қотди. Яна кўпчилик бўлиб оқсоқол Сайфулла отанинг олдига боришди. Бу масалани ҳам сиздан бошқа ҳеч ким ҳал этолмайди, дея унга юзланишди. Ота бир куни шундай бўлишини олдиндан сезиб юрганди. Ҳеч иккиланмай тўрт-беш тенгдошини етаклаганча, қишлоқдаги тадбиркор йигитнинг олдига борди.

Фермер хўжалиги ҳудуди яқинида бўш турган ерни мактаб қурилишига ажратишни сўраганида тадбиркор ҳеч иккиланмай рози бўлди. 2023 йил ёз ойларининг бирида қишлоққа катта-катта техника воситалари кириб келиб, қурилиш бошланди.



Бундан, айниқса, қишлоқ ёшларининг қувончи чексиз эди. Одамларнинг анча йиллик орзуси ушалаётганидан бунёдкорлик ишларига шунчаки томошабин бўлиб турмади. Деярли ҳар куни ёрдамини аяшмади. Оқсоқол эса барча ишларга бош бўлди.

Жорий янги ўқув йилини Қамаши тумани Бойбўри қишлоғи ёшлари янги мактабда кутиб олди. Замонавий услубда қад ростлаган мактаб 330 ўринга мўлжалланган.

Сайфулла ота Алмуродов ҳар куни эрталаб болаларнинг янги таълим масканига шодон кириб келаётганини кўриб, кўзлари қувонади. Бир пайтлар тиним билмай югурганларини шу дамда унутади. Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар унинг чекка қишлоғига ҳам кириб келганига шукрона айтишдан эса чарчамайди.

Бу манзилда жиноятчилик бегона

Бойбўри қишлоғида жанжал нари турсин, шунчаки тортишув чиқмаганига ҳам анча бўлгандир-ов. Тунов куни оқсоқолни йўқлаб қолишди. Айтишларича, ёш оилалардан бирида эр-хотин бир-бири билан келишмай қолибди. Оила бошлиғи қаттиқроқ гапирган шекилли, хотини судга бериш ҳаракатига тушибди. Бу гапларни эшитган Сайфулла ота безовталанди. Бунинг олдини олиш лозим. Ахир қишлоқ учун бу иснод. Суд қилиш керак бўлса, хонадоннинг ўзида суд қилиб қўяверади.

Маҳалла одамларида ҳам одат бўлиб қолган. Бирор гап сўз бўладиган бўлса, энг аввало, оқсоқолга оғиз солишади. Маҳалланинг профилактика инспекторини биров эслаб ҳам қўймади. Кўпчилик инспекторнинг исмини ҳам билмаса керак. Тўғри-да, барча ишни отанинг ўзи ҳал қилиб қўйса, бунга бошқаларни аралаштиришнинг фойдаси йўқ.

Бугун ҳам ота жанжал бўлган оилага кириб келиб, сабабини яхшилаб суриштиришни бошлади. Икки ёшга қулоқ тутди. Келин куёвини қаттиқроқ бақириб юборгани учун судга бериб, танобини тортиш истагида. Жим қараб турса, бу фикридан қайтиш нияти йўқ. Анча қўйиб берганди, бўлмади. Гап оҳангини ўзгартириб, овозини баланд-баланд қилиб, танбеҳ берган бўлди. Асл касби ҳуқуқшунос эмасми, судга мурожаат қилса, нималар бўлишини, оқибатини тушунтирди. Натижада оила бошлиғига яхшигина жарима солинишини, бу эса бошқага эмас, яна қайтиб ўзларининг рўзғорига таъсир қилишини тушунтирди. Тарихий воқеалар, баъзи ривоятлардан, ҳадислардан мисоллар келтириб, иккисини яраштиришга эришди. Охирида дуо бериб, бир кун уруш бўлган жойдан қирқ кун барака кетишини айтиб, бошқа бундай қилмасликни тайинлади.

Маҳалла раиси Жамшид Абдуллаев ҳам бу оиладаги можарони эшитганди. Бир кириб, нима гаплигидан хабар олиш истагида келаётганди. Эшик олдида отани кўриб, кўнгли хотиржам бўлди. Демак, бу хонадонда энди тинчлик ҳукм суради.

Раис маҳаллада уч ярим мингдан ортиқ аҳоли, етти юздан зиёд хонадон бўлса-да, бирор жиноятчилик содир этилганини эслолмайди. Бу лавозимга ишга ўтганига уч йилга яқинлашди. Бу орада, умуман, ундан олдинги йилларда ҳам бирор марта жиноят бўлгани ҳақида эшитмаган. Ҳаммасига Сайфулла отанинг жонкуярлиги сабаб бўлса, ажабмас.

Сайфулла бобо Алмуродов шу қишлоқда туғилиб, вояга етган. Мактабни битиргач, олийгоҳда ҳуқуқшуносликка ўқиди. Олий таълимни тугатгач, Қамаши ва Қарши туманлари ички ишлар бўлимларида раҳбарлик лавозимида анча йиллар меҳнат қилди. Содиқ хизматлари ортидан обрў топди. Соҳада етакчилик қилиб, бир қанча ёшларга устоз бўлди. Интилувчанлиги, ишини яхши билиши, етук билимга эга экани билан кўпчилик ҳамкасблари орасида намунали ходим сифатида доимо эътироф қилинди.

Нафақага чиққач, қишлоқдошлари оқсоқолликка сайлашганди. Мана, ҳозир ёши саксонни қоралаб боряптики, доим эл хизматида. Бир дам бўлса-да, тиним билмайди. Ўзи емаса емайдики, одамларга нимадир нафим тегсин, дея ҳаракатда бўлади. Елкасидаги масъулият уни доим ҳалолликка ундайди. Одамларни ҳам ҳалол бўлишга чақиради. Шу боис, бу ҳудудда яқин орада биров жиноятга қўл ургани йўқ. Мабодо кимдир қизиққонлик қилиб жанжаллашиб ёки тортишиб қоладиган бўлса, оқсоқолнинг ўзи муросага келтириб қўяди. Унинг даккисини эшитган киши қайтиб бу номаъқулчиликни қилишга ботинолмайди.

Қишлоқда камбағал йўқ

Бойбўри қишлоғи аҳли азалдан деҳқончилик қилади. Ҳудудда бир қарич бўш ерни кўрмайсиз. Одамлар имкон топилди дегунча бир ниҳол қадашга, шундан даромад топишга интилади. Шу қаторда чорвачиликни ҳам яхши йўлга қўйиб олган. Ҳар ҳовлида камида иккита сигир, ўн-ўн беш бош қўй боқилади. Сайфулла ота ҳар бир хонадонни беш қўлидай билади. Агар кимнингдир ҳовлиси шунчаки ишлов берилмасдан, қуруқ турадиган бўлса, нақ балога қолиши тайин. Буни яхши билган одамлар изза бўлишдан чўчиб, вақт топди дегунча томорқасида ишлашни канда қилмайди. Бошида бир оз ўрганиши қийин бўлган бўлса-да, бугун бунинг ортидан даромад олаётгани боис, доимий одатга айлантириб олган. Ҳеч бир ҳовлидаги ернинг ишловсиз турганини кўрмайсиз.

— Меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтишмаган, — дейди Сайфулла ота. — Ҳар бир нарсага инсон астойдил интилсагина эришади. Қуруқ гап билан иш битириб бўлмайди. Шу боис, иложи борича одамларни меҳнатга ундаб келамиз. Айниқса, фарзандларимизни ёшлигидан бунга ўргатиш лозим. Каттами, кичикми, бекор қолдими, бировга халал беради ёки бекорчи гап билан беҳуда вақт сарфлайди. Оқибатда можаро, жанжал чиқади. Ҳар хил гап сўзлар кўпаяди. Шукрки, одамларимиз фақат нолимай, ҳаракат қилади. Бугун қишлоқда камбағал киши қолмади, дея бемалол айтишимиз мумкин.

Оқсоқол фақат кимгадир ақл ўргатишдан олдин, аввало, ўзи намуна бўлди. Ҳовлисида каттагина боғ яратиб қўйган. Ярим гектар ерга ишлов бериб, турли мевали дарахтлар ўтказган. Яхши ният ила экан ниҳоллари аллақачон ҳосил бериб, даромад ҳам олишни бошлаб юборганига анча бўлди. Ота бўш вақти бўлди дегунча шу боғни оралайди. Дарахтларига ишлов беради. Мевалардан териб, набираларига улашади. Гоҳида илҳоми жўшиб, ижод қилишга тушади. Отанинг айтишича, ҳозир нашрдан чиққан китоблари сони еттитадан ошибди. Шундай гўзал юртни мадҳ этишдан чарчамаслигини тилидан қўймайди.

Фидойи оқсоқол Сайфулла отанинг жонкуярлиги билан бугун Бойбўрида камбағалликдан фаровонлик сари қадам ташланиб, ҳар бир хонадонга файз кириб бормоқда. Маҳалла обод масканга айланиб, азалий орзулар рўёбга чиқмоқда. Дарвоқе, отанинг таъкидлашича, эл фаровонлиги йўлида қиладиган режалари ҳали бисёр. Бунинг учун ҳозирданоқ “маҳалла еттилиги”ни безовта қилиб, уларни ҳам ташаббускор бўлишга ундамоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мерос

Баҳшиқул БАХШИНИНГ БИСОТИ

Мунчоқда бўри ораласа, аввал чўпон ва ити сезади. Қишлоққа қайси бахши келса, Шоберди бахши хабардор бўлади. Сабаби, бахши зоти борки, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевнинг яшаш манзилини яхши билади. Дастлаб унинг уйига оёқ илади, дуосини олиб, кейин тўйхонага йўл олади.





Бу гал ундай бўлмади. Қишлоққа келган бахши ва дўмбирасининг овози Қоровултепа қирларига урилиб, акс садо олиб қишлоққа қайтди. Таниқли бахшининг ёши тўқсоннинг бўсағасига етган. У ҳовлидаги сўрига дадил чиқиб, қулоқ тутиб ўтирди.

Қайдандир таралаётган дўмбиранинг ўтли ноласи билан шунчаки тўйхонадагилар кўнглини овламади, юртни бирдамликка даъват этди. Қишлоққа довруқ солаётган бахши бирдамлик, яратувчанлик хислатлари устуворлигидан сўз очиб куйлади.

Одатда бу каби ҳолатда Шоберди бахшининг кўнгил сурувига бўри оралагандек бўлиб қоларди. Аммо бу гал ундай бўлмади. Сабаби, Сурхон воҳасида бахши зоти борки, мунчоқлик оқинни ўзига устоз билади. Келса, дуою рухсат олади. Лекин илк бор рухсат олмагани чамаси Бахшиқул бахши Тоғаев бўлди.

Шоберди бахши биргина Бахшиқулдан ранжимайди. Чунки шогирдлари орасида ундан кўнгли тўқ. Айнан у элни бирликка, мардликка, эркка, бунёдкорликка чорловчи достон ва термалар айтади. Ҳовлига оёқ илган ўғли Рўзибой бахши ҳам қишлоққа Бахшиқул бахши келганини, тўйни тугатиб, албатта, устозининг ҳолидан хабар олиш ниятида эканини билдирди.

Ўзбекистон халқ бахшиси Бахшиқул Тоғаев нафақат ўзбек бахшичилик мактаби дарғалари эътиборини қозонган, балки достон ва терма ихлосмандларининг суюкли оқинига айланиб улгурганди.

> **— Отам нега исмимни Бахшиқул қўйганини ҳеч ким билмайди, сўрамаган ҳам эканман. Болалигимдан бахши дейишган. Отам ўтган асрнинг бошида — 1903 йили туғилган, уни Карим бахши дер эдилар. Етти-саккиз ёшимда дўмбира чертиш сирларини отамдан ўргандим. Халқ орасида айтган биринчи термам — “Ойпари”, илк бор кўпчилик орасида айтган достоним “Аваздхон”, — деганди бахши ёшлик йилларини эслаб.**

Бахшиқул бахши Бойсун туманида дунёга келиб, камолга етган. У дўмбира чалишни дастлаб отасидан ўрганиб, кейинчалик Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевга шогирд бўлади. 1990 йилдан бошлаб бахшичилик санъатини ривожлантириш орқали миллий фольклор санъатига самарали ҳисса қўшиб келди. Аммо эътибор бугунгидек эмасди. 2016 йилга қадар қурилиш трестларида ишчи, ғишт терувчи, юк ташувчи, мудир, таъминотчи бўлиб ишлаган Бахшиқул оға узоқ йиллар қўлига олмай қўйган дўмбирасини ишга солди. Шунда эл-улус уни қайта таниди. Эътироф эта бошлади. Шу тариқа бахши Қумқўрғон тумани марказий маданият уйи мусиқа раҳбари бўлди.

2018 йилда Президентимизнинг тегишли фармонига мувофиқ, Қумқўрғон туманидаги “Сурхон тонги” ашула ва рақс бадиий ҳаваскорлик жамоаси бахшиси Бахшиқул Тоғаев “Ўзбекистон халқ бахшиси” фахрий унвони билан тақдирланди. 2021 йил 17-20 сентябр кунлари Нукус шаҳрида бўлиб ўтган II халқаро бахшичилик фестивалида 3-ўринга муносиб кўрилди.

Бахшичиликка эътибордан оқиннинг кўнгли, руҳияти янада юксалди. Юртимизда халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш анъанага айланганидан бўйи бир газ ўсгандек бўлди. Термиз шаҳридаги бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқитувчилик қилди. Ёш бахшиларга достон ва термалар айтиш, дўмбира чертишни ўргатди.

— Устозимиз Бахшиқул бахши “Бу дунё — ўлмаганники. Болалигида таёқни дўмбира қилиб чалган борки, ундан бахши чиқади. Сизлар ёшсиз, ҳатто нўноқ бахшини ҳам берилиб тингланглар, ундан, албатта, бирор нарса ўрганасиз”, деб айтарди, — дейди ёш бахши Бекзод Ҳамидов.

“Ёшлар орасида достонларни тўлиқ биладиганлар камайиб кетяпти. Бахшичилик санъати қачонгача давом этади? Бу савол мени ҳам кўп ўйлантиради. Одамда кўнгил бор экан, бу санъат давом этаверади. Фақат биз бу омонатга хиёнат қилмай, аслидай келажакка узатишимиз керак. Ўтган бахшилар биздан оғринмаяптимикан, деб қўрқаман. Ёшимиз устоз ёшида-да, бунинг ҳам масъулияти бор”, деганди устоз оқин.

Шу кунларда, тўғрироғи, жорий куз мавсумида Ўзбекистон халқ бахшиси, кўплаб маҳаллий ва халқаро танловлар ғолиби, давлат мукофоти соҳиби Бахшиқул бахши Тоғаев 64 ёшида вафот этди.

Ундан уч ўғил, уч қиз қолди. Юзлаб термалар, соҳир овоз ва бир замонлар нағмаси билан даврани гуллатган, юракларни ёндирган, ҳозир эса мунғайиб қолган дўмбира ва муҳими, элнинг, давлатнинг эътирофи қолди.

Исми касби ва тақдирига мос туғилиб, довруқ солиб яшаган, сўнг жимгина боқий дунёга кетган Бахшиқул Тоғаев ибратли умр кечирди. Унинг бахшичилик санъатини ривожлантириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишдаги фидокорона хизмати мухлислари қалбида мудом яшайверади.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3778
41218 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:25 Топширилди — 23:20